

## МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ

**Рахматуллоев Иззатилло Музaffer ўғли**

МХХС нима?

МХХС бу – умумий ёндашувлар (тамойиллар)

МХХС – ҳисоб әмас, ҳисобот стандартлари

Фойдаланувчи молиявий ҳисобот билан ишлайди

Ҳисобни юритиш усуллари – компаниянинг ички иши

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МХХСлар) – бу Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари Кенгashi (БХХСК) томонидан чиқарилган Стандартлар ва Шарҳлардир. Улар қуидагиларни қамраб олади:

(а) Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари;

(б) Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари;

(в) МХХСларни Шарҳлаш бўйича Қўмита (МХХСШҚ) томонидан чиқарилган

Шарҳлар; ва

(г) Шарҳлаш бўйича Доимий Қўмита (ШДҚ) томонидан чиқарилган Шарҳлар

Молиявий ҳисоботлар - тадбиркорлик субъектининг молиявий ҳолати ва молиявий натижаларининг тартибга солинган ифодасидир.

Молиявий ҳисоботларнинг мақсади турли фойдаланувчилар учун иқтисодий қарорларни қабул қилишда фойдали бўлган, тадбиркорлик субъектининг молиявий ҳолати, молиявий натижалари ва пул оқимлари тўғрисидаги маълумотларни таъминлашдан иборатдир.

Молиявий ҳисоботнинг мақсади: молиявий ахборотнинг сифат хусусиятларини молиявий ҳисобот элементлари ва уларни тан олиш мезонларини очиқча кўрсатади

Асосий сифат хусусиятлари

Асосий сифат хусусиятлари ўринлилик ва ишончли тақдим этишлардир.

Ўринлилик . Ўринли молиявий ахборот фойдаланувчилар қабул қиласиган қарорларни ўзгартириш қобилиятига эга бўлади. Ҳатто баъзи фойдаланувчилар ундан фойдаланмасликка қарор қилган ёки ушбу ахборот уларга бошқа манбалардан маълум бўлган ҳолатларда ҳам ахборот қарорларни ўзгартириш қобилиятига эга бўлиши мумкин.





Молиявий ахборот агар у башорат қилиш, тасдиқлаш ёки иккаласи учун ҳам аҳамиятга эга бўлса, у қарорларни ўзгартириш қобилиятига эга бўлади.

Муҳимлик. Ахборот, агар унинг тушириб қолдирилиши ёки бузиб кўрсатилиши маълум ҳисбот берувчи тадбиркорлик субъекти тўғрисидаги молиявий ахборот асосида фойдаланувчилар томонидан қабул қилинадиган қарорларга таъсир қилиши мумкин бўлса, у муҳим деб ҳисобланади. Бошқача айтганда, муҳимлик, алоҳида тадбиркорлик субъектининг молиявий ҳисботи доирасидаги ахборотга тегишли бўлган моддаларнинг моҳияти ва катталиги ёки иккаласига ҳам асосланган, тадбиркорлик субъектига хос бўлган ўринлиликтининг битта жиҳатидир.

Ишончли тақдим этиш. Молиявий ҳисботлар иқтисодий ҳодисаларни сўз ва сонларда ифодалайди. Фойдали бўлиши учун, молиявий ахборот нафақат ўринли ҳодисани тақдим этиши керак, балки у тақдим этишни мақсад қилиб қўйган ҳодисани ишончли тақдим этиши ҳам керак. Мутлақо ишончли тақдимот учун бирор нарсани тавсифлайдиган маълумот учта хусусиятга эга бўлиши керак. У тўлиқ, бетараф ва хатоликдан холис бўлади. Шубҳасиз, мукаммаллик камдан-кам учрайди, агарда умуман унга эришиб бўлса. Кенгашнинг мақсади ушбу хусусиятларга эришишни мумкин бўлган даражада максималлаштиришдир.

Тўлиқ тавсиф, фойдаланувчи тавсифланаётган ҳодисани тушуниши учун зарур бўлган барча маълумотни ўз ичига олади, шу жумладан барча зарур таърифлар ва изоҳларни. Масалан, активлар гуруҳининг тўлиқ тавсифи, камида, гуруҳдаги активлар моҳиятининг тавсифини, гуруҳдаги барча активларнинг сондаги ифодасини, ва ушбу сондаги ифода нимани (масалан, бошлангич қийматни, тузатилган қийматни ёки ҳаққоний қийматни) билдириши тўғрисидаги маълумотни ўз ичига олган бўлар эди. Баъзи моддалар бўйича тўлиқ тавсиф ушбу моддаларнинг сифати ва моҳиятига тегишли бўлган аҳамиятли фактлар, уларнинг сифати ва моҳиятига таъсир қилиши мумкин бўлган омиллар ва жиҳатлар ҳамда уларнинг сондаги ифодасини аниқлаш учун қўлланиладиган жараён тўғрисида тушунтиришларни ҳам талаб этиши мумкин.

Бетараф тавсиф деганда молиявий ахборотни танлаш ёки тақдим қилишдаги холислик тушунилади. Бетараф тавсиф - ғаразли, бурттирилган, ургу берилган, аҳамияти пасайтирилган ёки молиявий ахборотнинг фойдаланувчилар томонидан ижобий ёки салбий қабул қилиниши эҳтимолини ошириш учун бошқача йўсинда ҳийла ишлатилган тавсиф эмасдир. Бетараф ахборот бу мақсадсиз ёки хатти-ҳаракатга таъсир қилмайдиган маълумотни



билдиради дегани эмас. Аксинча, ўринли молиявий ахборот, ўз таърифига кўра, фойдаланувчиларнинг қарорларида ўзгариш келтириб чиқариши мумкин бўлган ахборотдир.

Ишончли тақдим этиш барча жиҳатдан аниқ ёки тўғри дегани эмас. Хатоликдан холис дегани ҳодисани акс эттиришда хатоларга ёки тушириб қолдиришга йўл қўйилмаганлиги, ва тақдим қилинадиган ахборотни тайёрлаш учун ишлатиладиган жараён ушбу жараёнда хатоликка йўл қўймасдан танлангани ва қўлланилганлигини билдиради. Ушбу маънода, хатоликдан холис деган барча жиҳатдан мутлақо аниқ ёки тўғри эканлигини англатмайди. Масалан, қўзатилмайдиган нарх ёки қийматнинг таҳминан баҳоланиши тўғрисида аниқ ёки ноаниқ деб бўлмайди. Аммо, ушбу баҳолашнинг тақдим қилиниши ишончли бўлиши мумкин, агар қўрсатилган сумма баҳолаш деб аниқ ва равshan тавсифланган бўлса, баҳолаш усулининг моҳияти ва чекловлари тушунтирилган бўлса, ҳамда баҳолаш учун тегишли усулни танлаш ва қўллашда хатоликка йўл қўйилмаган бўлса.

Ахборот фойдалилигини оширадиган сифат хусусиятлари

Қиёсланувчанлик, текширувчанлик, ўз вақтида тақдим этиш ва тушунарлилик ўринли ва ишончли тақдим этилган ахборотнинг фойдалилигини оширадиган сифат хусусиятлариdir. Фойдалиликни оширадиган сифат хусусиятлари ҳодисани тавсифлаш учун иккита усулдан, агарда иккаласи ҳам тенг равишда ўринли ва ишончли тақдим этишни таъминлайдиган деб ҳисобланса, қайси бири қўлланилиши кераклигини аниқлашда ёрдам бериши мумкин.

Қиёсланувчанлик. Фойдаланувчиларнинг қарорлари муқобил ёндашувлардан бирини танлашни ўз ичига олади, масалан, инвестицияни сотиш ёки сақлаб туриш, ёхуд бу ёки бошқа ҳисбот берувчи тадбиркорлик субъектига инвестиция қилиш тўғрисидаги қарорлардан бирини танлаш. Шундай қилиб, ҳисбот берувчи тадбиркорлик субъекти тўғрисидаги ахборотни бошқа тадбиркорлик субъектлари тўғрисидаги ўхшаш ахборот билан ва мазкур тадбиркорлик субъектига тегишли бўлган бошқа давр ёки бошқа санага бўлган ўхшаш ахборот билан таққослаш мумкин бўлсагина у фойдалироқ бўлади. Изчиллик қиёсланувчанлик билан боғлиқ бўлса-да, айнан шу маънони билдирамайди. Изчиллик бир ҳисбот берувчи тадбиркорлик субъекти доирасида ҳар хил даврлардаги ёки бир давр ичida ҳар хил тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган бир хил моддаларга нисбатан бир хил усувлар қўлланилишини англатади. Қиёсланувчанлик мақсад бўладиган бўлса, изчиллик ушбу мақсадга эришишга ёрдам беради.





Текширувчанлик. Текширувчанлик фойдаланувчиларга ахборотда тақдим қилиниши кўзланган иқтисодий ҳодиса ишончли тақдим қилингандигига ишонч хосил қилишга ёрдам беради. Текширувчанлик шуни англатади-ки, бошқа-бошқа хабардор ва мустақил кузатувчилар муайян тавсиф ишончли тақдим қилингандиги тўғрисида консенсусга, тўлиқ муросага бўлмаса ҳам, келиши мумкин. Текширувчан бўлиши учун миқдорий ахборот аниқ баҳолангандан ягона қиймат бўлиши шарт эмас. Эҳтимол қийматларнинг диапазони ва улар билан боғлиқ бўлган эҳтимолликларни ҳам текшириш мумкин.

Текшириш бевосита ёки билвосита бўлиши мумкин. Бевосита текширишда сумма ёки бошқа тақдим қилинган маълумот бевосита кузатув, масалан нақд пулни санаш, орқали текширилади. Билвосита текширувда модел, формулага киритиладиган ёки бошқа усулда ишлатиладиган дастлабки маълумотларни текшириб, олинган натижалар яна худди шу усувларни қўллаган ҳолда қайта ҳисобланади. Мисол сифатида товар-моддий захираларнинг баланс қийматини дастлабки маълумотларни (миқдорлар ва қийматларни) текшириб (кўриб), давр охирига бўлган товар-моддий захираларни улар қийматини аниқлашда қилинган каби худди шундай тахминлар асосида (масалан, ФИФО усулидан фойдаланган ҳолда) қайта ҳисоблаш орқали тасдиқлашни келтириш мумкин.

Ўз вақтида тақдим этиш. Ўз вақтида тақдим этиш деган, қарор қабул қиласидиган томонларнинг қарорларига таъсир қилиш мумкин бўлиши учун, ахборот уларнинг қўлида ўз вақтида бўлишини англатади. Одатда, ахборот қанча эскироқ бўлса шунча фойдаси камроқ бўлади. Аммо, баъзи маълумотлар ҳисбот даври тугашидан кейин ҳам анча вақтга чўзилиши мумкин, чунки, масалан, баъзи фойдаланувчиларга тенденцияларни аниқлаш ва баҳолаш керак бўлиши мумкин.

Тушунарлилик. Ахборотни аниқ ва лўнда гуруҳланиши, тавсифланиши ва тақдим қилиниши ушбу ахборотни тушунарли бўлишига олиб келади. Баъзи ҳодисаларга мураккаблик хос ва уларни тушуниш учун осонлаштириб бўлмайди. Бундай ҳодисалар тўғрисидаги ахборотни молиявий ҳисботларга киритмаслик ушбу молиявий ҳисботлардаги ахборотни тушунишни осонлаштириши мумкин. Аммо, бунда ушбу ҳисботлар тўлиқ бўлмайди ва шунинг учун улар фойдаланувчиларни чалғитиши мумкин.

Молиявий ҳисботлар бизнес ва иқтисодий фаолият тўғрисида етарлича билимга эга бўлган ва ахборотни қунт билан кўриб чиқадиган





ва таҳлил қиладиган фойдаланувчилар учун тайёрланади. Баъзида, хабардор бўлган ва қунт билан ёндашадиган фойдаланувчилар ҳам мураккаб иқтисодий ҳодисалар тўғрисидаги ахборотни тушуниши учун маслаҳатчига мурожаат қилишга мажбур бўлишлари мумкин.

### Асосий фараз

Узлуксизлик. Молиявий ҳисботлар, одатда тадбиркорлик субъекти узлуксиз ишлайди ва фаолиятини кўзланган келажақда давом қиласди деган фараз асосида тайёрланади. Шундай экан, тадбиркорлик субъекти ўз фаолиятини тугатиш ёки фаолият кўламини муҳим даражада қисқартириш нияти ҳам, зарурати ҳам йўқ деб тахмин қилинади; агар бундай ният ёки зарурият мавжуд бўлса, молиявий ҳисботлар бошқача асосда тайёрланиши лозим бўлиши мумкин ва агар шундай бўлса, ушбу асос очиб берилади.

### Молиявий ҳолат

Молиявий ҳолатни баҳолаш билан бевосита боғлиқ бўлган элементлар – бу активлар, мажбуриятлар ва капиталдир. Булар қуйидагича таърифланади:

(а) Актив – бу бўлиб ўтган ҳодисаларнинг натижасида тадбиркорлик субъекти назорат қиладиган ва келгусида ундан тадбиркорлик субъектига иқтисодий наф келиб тушиши кутилаётган ресурсдир.

(б) Мажбурият – бу бўлиб ўтган ҳодисалар натижасида келиб чиқадиган ва у бўйича ҳисоблашиш иқтисодий нафни ўзида мужассамлаштирган ресурсларни тадбиркорлик субъектидан чиқиб кетишига олиб келиши кутилаётган тадбиркорлик субъектининг жорий мажбуриятидир.

(с) Капитал – тадбиркорлик субъектининг активларидан унинг ҳамма мажбуриятларини айириб ташлагандан кейин қоладиган қисмдир.

### Фаолият натижалари

Фойда, кўпинча фаолият натижасининг кўрсаткичи ёки инвестицияларнинг рентабеллиги ёхуд битта акцияга тўғри келадиган фойда каби кўрсаткичларнинг асоси сифатида, қўлланилади. Фойданинг ўлчаниши билан бевосита боғлиқ элементлар – бу даромадлар ва харажатлардир. Даромадлар ва харажатлар, ва бинобарин фойданинг тан олиниши ва баҳоланиши тадбиркорлик субъекти томонидан молиявий ҳисботларни тайёрлашда қўлланиладиган капитал ва капитални сақлаб туриш

### Даромадлар ва харажатларнинг элементлари қуйидагича таърифланади:

(а) Даромад – бу активларнинг келиб тушиши ёки кўпайиши ёхуд мажбуриятларнинг камайиши шаклида иқтисодий нафнинг ҳисбот



давридаги ўсишидир, ва ушбу ўсиш капитал әгаларининг капиталга қўйилмалари билан боғлиқ бўлмаган қўпайишига олиб келади.

(b) Харажатлар – бу активларнинг чиқиб кетиши ёки камайиши ёхуд мажбуриятларнинг пайдо бўлиши шаклида иқтисодий нафнинг ҳисобот давридаги пасайишидир, ва ушбу пасайиш капиталнинг әгаларига тақсимланадиган суммалар билан боғлиқ бўлмаган камайишига олиб келади.

#### Активларни тан олиш

Актив, тадбиркорлик субъектига келгуси иқтисодий наф келиб тушиши эҳтимоли бўлганида ва актив таннархи ёки қиймати ишончли баҳоланиши мумкин бўлганда, бухгалтерия балансида тан олинади.

#### Мажбуриятларни тан олиш

Мажбурият, ҳозирги пайтда мавжуд бўлган мажбуриятни сўндириш натижасида иқтисодий нафни ўзида мужассамлаган ресурсларнинг чиқиб кетиши эҳтимоли бор бўлганида ва сўндириладиган суммани ишончли баҳолаш мумкин бўлганида, бухгалтерия балансида тан олинади.

#### Даромадларни тан олиш

Даромадлар, келгуси иқтисодий нафнининг актив қўпайиши ёки мажбурият камайиши билан боғлиқ бўлган ўсиши юзага келганда ва ушбу ўсиш ишончли баҳоланиши мумкин бўлганида, фойда ва заарлар тўғрисидаги ҳисботда тан олинади. Бу дегани, амалда, даромаднинг тан олиниши активлар қўпайиши ёки мажбуриятларнинг камайишини тан олиш билан бир вақтда содир бўлишини англатади (масалан, маҳсулотлар ёки хизматларни сотиш натижасида активларнинг соғ қўпайиши ёки қарзни тўлашдан воз кечиш натижасида мажбуриятларнинг камайиши).

#### Харажатларни тан олиш

Харажатлар, келгуси иқтисодий наф активнинг камайиши ёки мажбуриятнинг қўпайиши билан боғлиқ ҳолда камайганида ва бундай камайиш ишончли баҳоланиши мумкин бўлганда, фойда ва заарлар тўғрисидаги ҳисботда тан олинади.

#### Молиявий ҳисботларнинг тўлиқ тўплами

Молиявий ҳисботларнинг тўлиқ тўплами қуйидагиларни қамраб олади:

- (а) давр охирига молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисбот;
- (б) давр учун фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисбот;
- (в) давр учун капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисбот;
- (г) давр учун пул оқимлари тўғрисидаги ҳисбот;



(д) изоҳлар, яъни аҳамиятли ҳисоб сиёсатларининг ва бошқа тушунтириш

маълумотларининг қисқа баёнини қамраб олган изоҳлар;

Тадбиркорлик субъекти мазкур ҳисбот номларидан ташқари номлардан фойдаланиши мумкин.

Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисботда акс эттириладиган маълумотлар

Минимум даражада, молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисбот қўйидаги суммаларни акс эттирадиган, сатрларда кўрсатиладиган моддаларини ўз ичига олиши лозим:

(а) асосий воситалар;

(б) инвестицион мулк;

(в) номоддий активлар;

(г) молиявий активлар ((д), (з) ва (б) лар бўйича кўрсатилган суммалардан ташқари);

(д) улуш бўйича ҳисобга олиш усули бўйича ҳисобга олинган инвестициялар;

(е) биологик активлар;

(ж) товар-моддий захиралар;

(з) савдо бўйича ва бошқа дебиторлик қарзлари;

(и) нақд пуллар ва нақд пул эквивалентлари;

(й) МХХС 5 «Сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар ва давом

эттирилмайдиган фаолият» га мувофиқ сотишга мўлжалланган сифатида

таснифланган активлар ва сотишга мўлжалланган сифатида таснифланган ҳисобдан

чиқариладиган моддаларнинг гуруҳларига киритилган активлар жами;

(к) савдо бўйича ва бошқа кредиторлик қарзлари;

(л) резервлар;

(м) молиявий мажбуриятлар ((к) ва (л) лар бўйича кўрсатилган суммалардан ташқари);

(н) БХХС 12 «Фойда солиғи» да таърифланганидек, жорий солиқ бўйича мажбуриятлар ва активлар;

(о) БХХС 12 да таърифланганидек, муддати узайтирилган солиқ мажбуриятлари ва муддати узайтирилган солиқ активлари;



(п) МХХС 5 га мувофиқ сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланган ҳисобдан чиқариладиган моддаларнинг гуруҳларига киритилган мажбуриятлар;

(р) капитал таркибида акс эттирилган, назорат кучига эга бўлмаган улушлар; ва (с) бош ташкилотнинг мулк эгаларига тегишли бўлган, чиқарилган капитал ва

капиталдаги резервлар.

Фойда ва заарлар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттириладиган маълумотлар

Одатдаги фаолиятдан олинадиган даромадлар	X
Сотиш таннархи	(X)
Ялпи фойда	X
Бошқа даромадлар	X
Сотиш харажатлари	(X)
Маъмурий харажатлар	(X)
Бошқа харажатлар	(X)
Соликқача бўлган фойда	X
Солик харажатлари	(X)
Соф фойда (зарар)	

